
ВИЛОЯТ ҲОКИМИГА ЯНГИ ЎРИНБОСАР ТАЙИНЛАНДИ

Кулдашев Бурҳон Худойбердиевич Фарғона вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Бугун бўлиб ўтган вилоят ҳокимлиги ижроия аппарати йиғилишида Бурҳон Кулдашев вилоят жамоатчилигига таништирилди.

Бурҳон Кулдашев 1988 йилда Наманган вилояти, Мингбулоқ туманида туғилган, юриспруденция йўналишида олий маълумотли. 2010 йилдан тайинловга қадар ҳарбий хизматда офицерлик ва раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борган.

2019 йилдан бери вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган Жамшед Хатамов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-12-18 19:55:24